

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Асака Банки Кенгаши
мажлисининг 2017 йил 11
декабрдаги 59-сонли баённомаси

**«Асака» акциядорлик тижорат банкининг Аудиторлик қўмитаси
тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тижорат банкларининг ички аудитига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк фаолиятини тартибга солувчи амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Асака банки Аудиторлик қўмитасининг (кейинги ўринларда матнда “Аудиторлик қўмитаси” деб юритилади) таркиби ва ваколатларини белгилаб беради ҳамда унинг ишини тартибга солади.

2. Аудиторлик қўмитасининг асосий мақсади – «Асака» Банки (кейинги ўринларда матнда “Банк” деб юритилади) томонидан амалга ошириладиган операциялар ишончлилигининг зарур даражаси таъминланиши устидан назорат қилиш ва банк фаолиятининг таваккалчиликларини камайтириш йўли билан Банк инвесторлари ва омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

II. Аудиторлик қўмитасининг таркиби

3. Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгашининг камида 3 нафар аъзосидан иборат таркибда шакллантирилади. Аудиторлик қўмитасининг Раиси ва аъзолари Банк Кенгаши Раисининг тавсиясига кўра Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. Банк Кенгаши томонидан тайинланган Банк Ички аудит департаменти бошлиғи Аудиторлик қўмитасининг котиби ҳисобланади.

5. Банк Кенгашининг Аудиторлик қўмитаси таркибга кирмаган аъзолари Кенгашнинг Банк фаолияти учун жавобгар бўлган бошқа қўмиталарига аъзо этиб тайинланмаслиги лозим.

6. Функцияларни Аудиторлик қўмитаси аъзолари ўртасида тақсимлаш Аудиторлик қўмитасининг Раиси томонидан амалга оширилади.

III. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари

7. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Банк Ички аудит хизмати – Ички аудит департаменти (кейинги ўринларда матнда «Департамент» деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

- Департаментнинг ҳар бир ички аудитни ўтказиш бўйича тақдим этиладиган ҳисоботларини ўрганиш;

- Департаментнинг чораклик ҳисоботларини мунтазам ўрганиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш.

- Банк Кенгаши кўриб чиқиши учун мустақил аудиторлар номзодларини тақдим этиш;

- Банк Кенгашига ташқи аудиторлар учун техник топшириқларни ишлаб чиқишда ёрдам бериш:

- Ташқи аудиторларнинг ҳисоботларини, шу жумладан раҳбариятга йўлланган хатларни кўриб чиқиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш;

- Банк Бошқаруви Раиси билан бирга Департамент ва ташқи аудиторларнинг тавсияларини амалга ошириш жараёнини бошқариш ишларини мувофиқлаштириш;

- Банк фаолиятининг стратегиясини шакллантиришда иштирок этиш;

- Ички аудитни амалга ошириш йўналишлари ва тартиботларини белгилаш;

- Банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ички назорат тартиботларининг мавжудлигини таъминлашга кўмаклашиш.

Аудиторлик қўмитаси Департаментнинг ишида қуйидагиларнинг таъминланаётганлигини назорат қилади:

- Банк активларининг бутлиги ва Банкнинг эҳтимолий зарарлардан ҳимояси;

- Банк фаолиятининг ички сиёсатга, Банкнинг низомлари ва тартиботларига мос келиши:

- Банк ички сиёсати, шунингдек ишчи тартиботлар ва жараёнларнинг улар Банкнинг фирибгарлик ёки ҳатолар натижасида мавжуд бўлган хавф-хатардан ҳимояланганлигини таъминлашига ишонч ҳосил қилиш учун ўз вақтида қайта кўриб чиқилиши.

8. Аудиторлик қўмитаси банк активлари, кредит ва инвестиция портфелининг сифати ва банк фаолиятининг бошқа тегишли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Департамент фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тартибига мувофиқ Ички аудит департаментининг фаолиятини баҳолайди.

IV. Аудиторлик қўмитасининг ваколатлари

9. Аудиторлик қўмитаси ўз ишида ва қарорлар қабул қилишда ташқи (мустақил) аудит натижалари ва Департаментнинг материалларидан

фойдаланади. Зарур бўлган ҳолларда Аудиторлик қўмитаси бирламчи бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларга мурожаат қилиши мумкин.

10. Аудиторлик қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг бошқарув органи ва мансабдор шахсларидан ўз иши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиш;
- Банкка катта миқдордаги моддий зарар етказган ёки етказилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда Банк Бошқаруви мажлисининг чақирилишини талаб қилиш;
- Ходимлардан, шу жумладан Банк таркибий бўлинмалари раҳбарларидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан изоҳлар талаб қилиш;
- Банк раҳбариятига айбдор ходимларни интизомий, мулкӣ ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқиш учун тақдим этиш;
- Банк Кенгашининг қарорига кўра Аудиторлик қўмитасида ишлаганлик учун муайян мукофот олиш.

V. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

11. Аудиторлик қўмитасининг аъзолари ўз мажбуриятларини лозим тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

12. Аудиторлик қўмитасининг Қўмита мажлисида овоз беришда иштирок этмаган ёки Банкка зарарлар етказган қарорнинг қабул қилинишига қарши овоз берган аъзолари жавобгарликдан озод этилади.

VI. Аудиторлик қўмитасининг мажлислари

13. Аудиторлик қўмитаси чораклик, ярим йиллик ва йиллик мажлисларни ўтказиб туради.

14. Аудиторлик қўмитасининг аъзолари муайян масаланинг зудлик билан ҳал этилишини талаб қилувчи қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда Қўмитанинг шошилиш мажлиси чақирилишини талаб қилиши мумкин.

15. Агар Аудиторлик қўмитасининг мажлисларида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этса, ушбу мажлислар ваколатли ҳисобланади, бунда Раиснинг қатнашиши шарт. Қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

16. Аудиторлик қўмитасининг қарори қўмита котиби томонидан юритиладиган ва қўмитанинг овоз беришда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланадиган Аудиторлик қўмитаси мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

17. Аудиторлик қўмитасининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолганда Раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аудиторлик қўмитасининг унинг қарорига рози бўлмаган аъзоси ўзининг алоҳида фикрини қайд этишга ҳақли, бу мажлис баённомасига илова қилиниб, Банк Кенгаши аъзоларининг ҳукмига ҳавола этилади.

18. Аудиторлик қўмитасининг Раиси:

- Аудиторлик қўмитасининг ишини ташкил этади;

- Аудиторлик қўмитасининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

- Қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

19. Аудиторлик қўмитасининг котиби:

- Аудиторлик қўмитаси мажлисларининг баённомасини юритади ва расмийлаштиради;

- Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан материаллар тайёрлайди ва уларни Аудиторлик қўмитасига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

- Аудиторлик қўмитасининг қарорлари, хулосалари ва баённомаларини тегишли шахсларга етказиши.

VII. Яқунловчи қоидалар

20. Ушбу тартиб Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси билан тасдиқланган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

Қиритилди:

Ички аудит департаменти бошлиғи

Н.Идиев

«КЕЛИШЛДИ»
«Асака» акциядорлик тижорат банки
Раиси
Қ.Қ.Муллажанов

«ТАСДИҚЛАНДИ»
«Асака» акциядорлик тижорат
банкнинг Кенгаши

2017 йил 11 декабрдаги
59-сонли баённома

2017 йил 11 декабрь

«АСАКА» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ИЧКИ АУДИТ ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Асака» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда матнда «Банк» деб юритилади) Ички аудит департаменти (кейинги ўринларда матнда «Департамент» деб юритилади) ўз ишида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тижорат банкларининг ички аудитига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига ҳамда Банкнинг Уставига, ички норматив ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади.

2. Департамент мустақил таркибий бўлинма ҳисобланиб, Банк Кенгаши ва Банкнинг Аудиторлик қўмитасига бевосита бўйсунди.

3. Департамент Банкда аудит ўтказди ва ундаги ички назоратнинг ҳолатини, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини, ҳисоб юритишнинг ишочлилигини, ҳисоботларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва объективлигини, Ўзбекистон Республикасининг банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, белгиланган қоидалар ва банк операцияларини амалга ошириш тартиботларига, шунингдек Банк Кенгашига Банк операцияларининг самарадорлигини ва ишочлилигини ошириш юзасидан маслаҳат берувчи тартиботларга риоя этилишини мониторинг қилади.

4. Департамент Банк ходимларига ўз мажбуриятларини самарали бадаришда ёрдам бериш мақсадида Банк ичида унинг фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун доимий асосда таъсис этилган мустақил экспертизани ўтказди.

5. Департаментнинг асосий мақсади Департамент томонидан Банк раҳбариятига объектив таҳлил, баҳолар, Банк фаолиятини назорат қилиш ва фаолият натижалари юзасидан тавсиялар ва ахборот бериш орқали Банк Кенгаши ва Бошқарувига Банк фаолиятининг мақсадларига эришишда ёрдам беришдан иборат.

6. Департаментни Банк Кенгашининг қарори билан тайинланиб, лавозимидан озод этиладиган Департамент бошлиғи бошқаради. Департамент ходимлари Департамент бошлиғининг тақдимотига кўра Аудиторлик кўмитаси томонидан тасдиқланади.

II. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

7. Банк Кенгашини ўтказилган ички аудит натижаларига асосланган Банкнинг реал ҳолати ва ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳақидаги ишончли ва мустақил ахборот билан таъминлаш.

8. Ички назорат тизимининг самарадорлигини ва адекватлигини ҳамда ички аудитни ўтказиш юзасидан қўлланилган тартиботларнинг таъсирчанлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

9. Банк Кенгаши ва Бошқаруви билан ишлаш, шу жумладан Департаментнинг ички аудит тизимининг ишлаши ва ўз фаолияти мақсадларига эришиш масалаларига доир ҳисоботларини Банк Кенгашига ёки Аудиторлик кўмитасига мунтазам тақдим этиш.

III. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Қўйилган вазифаларни бажариш учун Департамент қуйидаги функцияларни амалга оширади.

10. Молиявий ҳисоботларнинг (ойлик, чораклик, йиллик) жорий аудитини ўтказиш.

11. Бухгалтерия, операцион ва маъмурий назорат тизимларининг адекватлигини баҳолаш.

12. Ташқи аудитни ўтказиш учун ахборот тайёрлаш ва ташқи аудиторлар ишига қўмаклашиш.

13. Ички низомлар, йўриқномалар, тартиботлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

14. Бир йилда камида бир марта аудит ўтказиш.

15. Текширувлар материалларини умумлаштириш ва текширувлар натижалари ҳақидаги ахборотни Аудиторлик кўмитасига ва Банк раҳбариятига тақдим этиш, Аудиторлик кўмитасига ва Банк раҳбариятига аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан таклифлар бериш.

16. Банк фаолиятининг мақсадларига эришиш учун маъмурий ва операцион тартиботлар самарадорлигини текшириш.

17. Таваккалчиликларни бошқариш тартиботлари ва таваккалчиликларни баҳолаш методологиясини қўллаш самарадорлигини текшириш.

18. Молиявий ахборот тизимини, шу жумладан электрон ахборот тизимини ва электрон банк хизматларини текшириш.

19. Бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларни уларнинг аниқлиги ва тўғрилиги нуқтаи назаридан текшириш.

20. Капитал таваккалчиликларини баҳолаш билан боғлиқ капитални баҳолаш банк тизимини текшириш.

21. Банк Кенгашининг талабларига кўра махсус текширувлар ўтказиш ёки уларнинг ўтказилишида кўмаклашиш.

22. Активларни ҳимоялаш усуллариининг текширувларини ўтказиш ва заруратга қараб ушбу активларнинг мавжудлигини текшириш. Бундан ташқари, Департамент натижаларнинг қўйилган мақсадлар ва ваифаларга мос қилинини ҳамда операциялар ва дастурларнинг режаларга мувофиқ бажарилаётганлигини аниқлаш учун операцияларни ёки дастурларни текшириши керак.

23. Банк омонатчилари ва мижозлари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун Банкда ва унинг таркибий бўлинмаларида (бўлимларида, филиалларида, мини-банкларда, Банк биносидан ташқарида ташкил этилган операцион кассаларда) йилнинг ҳар чорагида камида бир марта мижозлардан қабул қилинган пул маблағлари, шу жумладан аҳоли омонатларининг мавжудлигини ва уларнинг омонат дафтарчаларига (сертификатларига) мос келиши нуқтаи назаридан текширувлар ўтказиш.

IV. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўз функцияларини амалга ошириш мақсадида Департамент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

24. Банк раҳбарияти ва ходимларидан Банк фаолиятига тааллуқли барча зарур ҳужжатларни ёки аудит предмети ҳисобланган ҳужжатларни талаб қилиш.

25. Ички аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида Банк раҳбарлари ва ходимларидан юзага келган саволлар юзасидан изоҳлар олиш. Зарурат бўлганида Департамент ходими ўзини қизиқтирган саволлар бўйича ёзма изоҳлар талаб қилишга ҳақли.

26. Зарур ҳужжатлар нусхаларини олиш.

27. Зарурат бўлганида, Банк томонидан белгиланган тартибда бундан буён бут сақланиши шубҳа туғдирадиган ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш.

28. Текшириш мақсадида барча хоналарга кириш, шунингдек Банкнинг электрон ва қоғоздаги архивлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

29. Ўтказилган аудиторлик текширувидан кейин текширув жараёнида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш чораларининг бажарилишини назорат қилиш.

V. ЖАВОБГАРЛИК

30. Департаментнинг мазкур Низомда қўйилган вазифалари ва функцияларининг ўз вақтида бажарилиши ва уларнинг сифати учун тўлиқ жавобгарлик Департамент бошлиғининг зиммасида бўлади.

31. Департамент ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Банкнинг ички аудиторларнинг жавобгарлигини тартибга солувчи ички низомларига мувофиқ жавобгар бўлишади.

VI. ДЕПАРТАМЕНТНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

32. Департаментнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги бўлимлар билан намоён этилган:

- Департамент раҳбарияти;

- Кредит фаолиятини аудит қилиш бўлими;
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни аудит қилиш бўлими;
- Пул муомаласи ва касса операцияларини аудит қилиш бўлими;
- Платик карталар фаолиятини ва аҳоли омонатларини аудит қилиш бўлими;
- Валюта фаолиятини аудит қилиш бўлими;
- Ахборот технологиялари фаолиятини ва банк хавфсизлигини аудит қилиш бўлими. Штат бирликларининг сони иловага мувофиқ берилган.

VI. ДЕПАРТАМЕНТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ СМЕТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

33. Департаментнинг мустақилиги, объективлиги ва касбий ваколатларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида ички аудитнинг барча харажатлари Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Бош аудитор Банк Кенгашига ишлаб чиқилган йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш учун тақдим этади. Ички аудит харажатларининг сметаси иш ҳақи, хизмат сафарлари харажатлари ва номоддий активларни ўз ичига олади.

34. Харажатлар сметаси муайян даврда ҳақиқатдан ҳам фойдаланилган суммадан ҳамда режалаштирилаётган йилда мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун кутилаётган харажатлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади.

VII. ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР. АЛОҚАЛАР

35. Мунтазам назоратни таъминлаш ва ҳаракатлар такрорланишининг олдини олиш учун Департамент Марказий банк ва Банкнинг ташқи аудитор билан ишга доир муносабатларни сақлаб туриши ва ўз ишини мувофиқлаштириши лозим.

36. Малака ошириш, тажриба алмашиш учун Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг тегишли хизматлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

VIII. ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

37. Департамент ва унинг ходимларининг фаолиятини ташкил этиш мажбуриятларни лавозим йўриқномалари ва ушбу низомга мувофиқ ходимлар ўртасида тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

38. Ишни ташкил этиш меҳнат тартиб-қоидаларига ва ёнги хавфсизлиги, банк сирини сақлаш, компьютер тизимини ҳимоялаш ва Банк мол-мулкани бут сақлаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

39. Департаментни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки уни тугатиш Банк Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

40. Департаментнинг ишини ташкил этиш Департамент бошлиғи томонидан Департаментнинг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

41. Ушбу Департамент тўғрисидаги низом Банк Кенгашининг баённомаси билан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.

42. Мазкур Низом кучга кириши билан Банк Кенгашининг баённомаси (2010 йил 31 декабрдаги 26-сонли баённома) билан тасдиқланган «Асака» банки (ОАЖ)нинг Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом» ўз кучини йўқотади.

Кирилди:

Ички аудит департаменти бошлиғи

Н.Идиев

Келишилди:

Юридик бошқарма бошлиғи в.б.

Ш.Ғозиев

**Ходимлар билан ишлаш
департаменти бошлиғи**

Н.Юсупова

Аппарат бошлиғи

Т.Ғайзиев

«КЕЛИШЛДИ»
«Асака» акциядорлик тижорат банки
Раиси
Қ.Қ.Муллажанов_____

Банк Кенгашининг
2017 йил 11 декабрдаги
59-сонли баённомасига

1-илова

2017 йил 11 декабрь

Ички Аудит Хизмати тузилмаси
(21 нафар штат бирлиги)

Ички Аудит Хизмати	
Хизмат бошлиғи – 1 киши	
Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи – 1 киши	Бухгалтерия ҳисоби, пластик карталар ва аҳоли омонатлари бошқармаси бошлиғи – 1 киши
Кредит фаолиятини аудит қилиш бўлими – 4 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 3 киши	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни аудит қилиш бўлими – 4 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 3 киши
Пул муомаласи ва касса операцияларини аудит қилиш бўлими – 3 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 2 киши	Пластик карталар фаолиятини ва аҳоли омонатларини аудит қилиш бўлими – 3 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 2 киши
Валюта фаолиятини аудит қилиш бўлими – 2 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 1 киши	Ахборот технологиялари фаолиятини ва банк хавфсизлигини аудит қилиш бўлими – 2 киши Бўлим бошлиғи – 1 киши Бош мутахассис – 1 киши

**“Асака” банк
Бошқаруви Раиси
Қ.Қ.Муллажановга**

БИЛДИРИШНОМА

Ички аудит хизмати

20.12.2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 апрелдаги 992-3-сон билан руйхатга олинган "Тижорат банкларининг ички аудитга Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар туғрисида"ги Низоми, Марказий банкнинг "Кредит ташкилотлари молиявий ҳолатини кўриб чиқиш комиссиясининг" 2017 йил 26 майдаги 682-сонли қарори ҳамда "Асака" акциядорлик тижорат банки Кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 59-сонли баёнига мувофиқ “Асака” банк Ички аудит хизмати фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида, филиаллар штат жадвалидаги 26 та бирлик “ички аудит хизмати” ходимларини қисқартириб, Бош офис таркибидаги Асака банк Ички аудит хизмати ташкил этилганлигини ҳамда штат жадеалига қўшимча 8 та бирлик киритилганлигини маълум киламиз.

Шу муносабат билан. Ички аудит хизматининг тасдиқланган таркибига мувофиқ иловада келтирилган таклифларни кўриб чиқишингизни сўраймиз.

Сизнинг муҳокамангизга ҳавола этамиз.

Ички аудит хизмати бошлиғи

Н.Идиев

Илова 1 варақда.

«КЕЛИШЛДИ»
«Асака» акциядорлик тижорат
банки Раиси
Қ.Қ.Муллажанов

«ТАСДИҚЛАНДИ»
«Асака» Банки Кенгаши

2017 йил 11 декабрдаги
59-сонли баённома

2017 йил 11 декабрь

«АСАКА» БАНКИ ИЧКИ АУДИТ ДЕПАРТАМЕНТИ
БОШЛИҒИНИНГ ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Департамент ўз ишида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган талабларга ҳамда Банкнинг Уставига, ички норматив ҳужжатларига, Банкнинг Ички аудит департаменти тўғрисидаги низомга ва мазкур лавозим йўриқномасига амал қилади.

1.2. «Асака» банки (кейинги ўринларда матнда “Банк” деб юритилади) Ички аудит департаментига (кейинги ўринларда матнда «Департамент» деб юритилади) Департамент бошлиғи бевосита раҳбарлик қилади.

1.3. Департамент бошлиғи Банк Кенгашининг қарори билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

1.4. Департамент бошлиғига нисбатан қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- ўзи бажарадиган функциялар хусусиятига мос келадиган олий маълумотга эга бўлиш;
- банк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари соҳасидаги билимларга эга бўлиш;
- республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ва бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг умумий қабул қилинган халқаро стандартларни қўллаш бўйича билимларга эга бўлиш, шунингдек халқаро стандартлардаги ўзгаришларга мувофиқ махсус курсларда мунтазам ўқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтиш.

II. Функциялар

Департамент бошлиғининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

2.1. Молиявий ҳисоботларнинг (ойлик, чораклик, йиллик) жорий аудитини ўтказиш.

2.2. Натижаларининг қўйилган мақсадлар ва ваифаларга мос клишини ҳамда операциялар ёки дастурларнинг режаларга мувофиқ бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида операцияларни ёки дастурларни текшириш.

2.3. Бухгалтерия, операцион ва маъмурий назорат тизимларининг адекватлигини баҳолаш.

2.4. Банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш.

2.5. Ички низомлар, йўриқномалар, тартиботлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

2.6. Текширувлар материалларини умумлаштириш ва текширувлар натижалари ҳақидаги ахборотни Аудиторлик қўмитасига ва Банк раҳбариятига тақдим этиш, Аудиторлик қўмитасига ва Банк раҳбариятига аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан таклифлар бериш.

III. Лавозим мажбуриятлари

Департамент бошлиғининг лавозим мажбуриятларига қуйидагилар киради:

3.1. Департамент ишига раҳбарлик қилиш, Департамент ходимлари мажбуриятларининг доирасини белгилаш, Департаментнинг ишини режалаштириш, юқори ташкилий, хизмат ва ижро интизомини таъминлаш.

3.2. Департамент ходимлари томонидан ўз лавозим мажбуриятларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш.

3.3. Аудиторлик дастурини, ёзма сиёсатни ва Департамент ходимлари учун мажбурий бўлган тартиботларни ишлаб чиқиш ва ижро этиш.

3.4. Департамент ходимларининг малакасини ошириш ишини амалга ошириш.

3.5. Департамент ваколатига кирувчи барча масалалар бўйича назорат ва таҳлилни амалга ошириш.

3.6. Банк Кенгаши ва Бошқаруви билан ишлаш, шу жумладан Департаментнинг ички аудит тизимининг ишлаши ва ўз фаолияти мақсадларига эришиш масалаларига доир ҳисоботларини Банк Кенгашига ёки Аудиторлик қўмитасига мунтазам тақдим этиш.

3.7. Ташқи аудитни ўтказиш учун ахборот тайёрлаш.

3.8. Ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тузишини таъминлаш,

Департамент фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни Аудиторлик кўмитасига йилнинг ҳар чорагида тақдим этиш.

3.9. Ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш ва Банкнинг Департаментга бириктирилган мол-мулки бут сақланиши учун жавоб бериш.

3.10. Техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши хавфсизлик талабларининг бажарилишини таъминлаш.

IV. Ҳуқуқлар

Департамент бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1. Департамент ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таклифларни Банк раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш.

4.2. Ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банкнинг таркибий бўлинмаларидан зарур ахборот ва ҳужжатлар нусхаларини талаб қилиш ва олиш.

4.3. Зарурат бўлганида, Банк томонидан белгиланган тартибда бундан буён бут сақланиши шубҳа туғдирадиган ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб кўйиш.

4.4. Текшириш мақсадида барча хоналарга кириш, шунингдек Банкнинг электрон ва қоғоздаги архивлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

4.5. Ички аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида Банк раҳбарлари ва ходимларидан юзага келган саволлар юзасидан изоҳлар олиш, шунингдек зарурат бўлганида Департамент ходим ўзини қизиқтирган саволлар бўйича ёзма изоҳлар талаб қилиш.

4.6. Банк ходимлари учун белгиланган ижтимоий-маиший имтиёзлардан фойдаланиш.

4.7. Моддий-техника ва ташкилий таъминотга, шунингдек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тааллуқли бўлган ахборотдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

4.8. Департамент ходимларининг касбий даражасини ошириш мақсадида уларни курсларга, семинарларга, стажировкаларга юбориш тўғрисида таклифлар киритиш.

V. Жавобгарлик

5.1. Департамент бошлиғи Департамент зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгардир.

VI. Яқунловчи қоидалар

6.1. Ушбу Лавозим йўриқномаси Банк Кенгашининг баённомаси билан

тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.

6.2. Мазкур Лавозим йўриқномаси кучга кириши билан Банк Кенгашининг баённомаси (2010 йил 31 декабрдаги 26-сонли баённома) билан тасдиқланган «Асака банки Ички аудит департаменти бошлиғининг лавозим йўриқномаси» ўз кучини йўқотади.

Кирилди:

Ички аудит департаменти бошлиғи

Н.Идиев

Келишилди:

Юридик бошқарма бошлиғи в.б.

Ш.Ғозиев

**Ходимлар билан ишлаш
департаменти бошлиғи**

Н.Юсупова

Аппарат бошлиғи

Т.Файзиев